

ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИДА ЛИНГВИСТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК УСУЛДА ЯСАЛИШИ

Кошанова Сахибжамал Бахытбаевна

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети докторанти

Email: sakhikosh@gmail.com

+998907367717

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17232657>

Аннотация. Ушбу тезисда инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида лингвистик терминларнинг грамматик ва морфологик хусусиятлари чуқур таҳлил этилади. Хусусан, терминларнинг деривацион (ясалиш) тамойиллари, морфологик тузилиши, аффикслар воситасида янги термин яратиш усуллари қиёсий таҳлил асосида ўрганилади. Шунингдек, турли типологияга мансуб тилларда (аналитик ва агглютинатив) терминологик системаларнинг шаклланиш механизмлари ва миллий қонуниятлари ёритиб берилади. Таҳлиллардан маълум бўлишича, морфологик деривация барча уч тилда ҳам сермахсул сўз ясаш усули бўлиб, тилшунослик лексикасининг бойишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Калит сўзлар: лингвистик терминлар, морфология, деривация, термин яратиш, инглиз тили, ўзбек тили, қорақалпоқ тили, аффикслар, аналитик тил, агглютинатив тил.

Тилшунослик соҳасида қўлланиладиган махсус лингвистик терминлар жаҳонда мавжуд бўлган ҳар бир тилнинг илмий-назарий салоҳиятини акс эттириш билан бир қаторда, мазкур тилнинг қай даражада такомилга етганини ҳам кўрсатувчи “кўзгу”дир. Ушбу соҳа терминларининг шаклланиши ва структур жиҳатдан тузилиши тилнинг умумий қонуниятлари ва хронологик (тадрижий) ривожланиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида лингвистик терминларнинг грамматик-морфологик хусусиятлари ҳамда уларнинг ясалиш (деривацион) тамойилларини атрофлича таҳлил қилиш орқали ҳар бир тилга хос умумий ва хусусий жиҳатларни аниқлаш мумкин. Албатта, бу жараёнда чоғиштирма таҳлил муҳим ва концептуал аҳамиятга эга. Чунки, у турли типологияга мансуб тилларда (инглиз тили – ҳинд-европа оиласига мансуб аналитик тил, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари туркий оиллага мансуб агглютинатив тиллар) термин ясалишининг устувор усуллари кўрсатади. Зеро, ҳар бир тилнинг ўз терминологик тизими ва уни бойитиш усуллари мавжуд бўлиб, бу усулларнинг нисбати ҳар бир халқ ва миллат тилшунослиги тарихи давомида турлича шаклланиб бorganини кузатишимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб айтишимиз жоизки, лингвистик терминология инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида асрлар оша ўзига хос тарзда ва усулларда шакллана борган. Тилшунослик лексикаси мазкур соҳа учун яратилган ва ушбу соҳада муайян лингвистик тушунчаларни аниқ ва конкрет ифодаловчи, махсус номинатив, дефинитив ҳамда сигнификатив функция бажарадиган сўз ва сўз бирикмалар мажмуидир. Тилшунослик терминологик тизими очиқ система бўлиб, соҳалараро янги кашфиётлар, илмий ёндашувлар ва ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида доимий равишда, лингвистик ва экстралингвистик омиллар асосида тўлдирилиб, кун-сайин такомиллашиб бормоқда. Терминологияда янги терминларни вужудга келиши ва ясалиши хусусида В.П.Даниленко ўз фикрини қуйидаги шаклда баён этади: “Терминологияда янги

терминларни вужудга келиш жараёни, уларнинг лингвистик ва экстралингвистик омиллар асосида содир бўлишини кўрсатади. Бинобарин, терминологик сўз ясалиш – ҳар доим онгли жараён бўлиб келган”¹.

Тадқиқотимизнинг ушбу параграфида инглиз, ўзбек ва қорқалпоқ тилларида лингвистик терминларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари, асосий деривацион моделлари, ички лингвистик қонуниятлар ва уларда қўлланиладиган аффикслар, морфологик ва семантик хусусиятлари чуқур ва атрофлича таҳлил қилинади. Шуниси ҳам борки, тадқиқот таҳлилига тортилган инглиз, ўзбек ва қорқалпоқ тилларида лингвистик терминлар тузилишини ва уларнинг ҳосил қилиниши воситалари ва деривацион усуллари ўрганиш нафақат тилларнинг ички қурилиш хусусиятларини кўрсатади, балки бу тилларда тилшунослик терминологиясининг ривожини ва миллийлашув даражасини ҳам очиқ беради.

Қайд этиш лозимки, тилшуносликда морфологик деривация тушунчаси мавжуд бўлиб, у сўз яратишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Олимлар томонидан барча соҳалар лексик бирликлари сингари, лингвистик терминларини ҳосил бўлишида ҳам мазкур усул энг фаол ва самарали усуллардан бири эканлиги таъкидланади. Бу усулда, сўз ёхуд термин асосига турли қўшимчалар (аффикслар, суффикслар, префикслар) қўшиш орқали янги маъноли терминлар яратилади. Бинобарин, морфологик усул орқали терминларни ҳосил қилишда асосан икки қонуният муҳим ва концептуал аҳамиятга эга.

1) **Умумий қонуниятлар:** бунда янги терминлар амалий фаолият, илм-фан ривожини ёки янги тушунчалар пайдо бўлиши билан узвий боғлиқ ҳолда пайдо бўлади;

2) **Миллий қонуниятлар:** бунда ҳар бир тил ўзининг тарихий ва структуравий хусусиятларига кўра аффикс ва деривацион моделларни танлаб олиши мумкин.

Грамматиканинг муҳим ва алоҳида аспекти ҳисобланган “морфология” тушунчаси хусусида бир қатор олимлар ўз фикрларини билдириб ўтишган. Ўзбек тилшуносларидан Ш.Сафаров бу борада ўз фикрини қуйидагича баён қилади: “Морфология, тилшуносликнинг сўз шакллари тузилишини ўрганишга ихтисослаштирилган алоҳида соҳадир. Бунда асосий мақсад сўзлар таркибидаги морфемаларни ажратишга қаратилади. Морфология тушунчаси, бундан ташқари, тилнинг морфологик категориялар тизимидан иборат грамматик кўринишининг алоҳида қисми сифатида ҳам англашинулади. Морфологик таҳлилда сўзларнинг қайси туркумга оидлигини аниқлаш, уларга хос доимий грамматик хусусиятларни белгилаш ва шунингдек, сўз ўзгартирувчи категорияларни ажратиш каби вазифалар ҳам назарда тутилади. Грамматик категорияга кирувчи морфологиклик тушунчаси тилларнинг морфологик турланишидан фарқланади. Масалан, ўзбек тили морфологик тузилишига кўра агглютинатив тиллар қаторига кирса, инглиз тили аналитик турдаги тиллар қаторидан ўрин олади”².

Рус тилшуноси П.С.Кузнецов тўғри таъкидлаганидек: “Инглиз тили флексив тиллар таркибига киради, флексив тиллар аффиксларнинг ўзак билан бирикиб, унга сингиб кетиши билан тавсифланади. Флексив тиллар синтетик ва аналитик тилларга ҳам ажралади. Синтетик тилларда грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро

¹Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М., 1977. – С.90.

²Сафаров Ш. Тилшунослик терминлари луғати. Тошкент: 2023. - Б.170.

муносабати) шакл ясовчи аффикслар воситасида ифодаланади. Хусусан, рус ва немис тиллари шулар жумласидан ўрин олади. Аналитик тилларда эса грамматик маънолар сўз шакллари (шакл ясовчи қўшимчалар) воситасида эмас, балки ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, оҳанг ёрдамида ифодаланади, инглиз, француз ва испан тиллари шулар қаторидан ўрин олган”³. Олим сўзини давом эттирар экан, у ўз навбатида ўзбек тилининг таснифини ҳам туркий тиллар оиласи мисолида кўрсатиб ўтган. Яъни, “...агглютинатив тиллар (туркий, банту, мўғил, финугўр тиллари)да сўзлар ўзак ва унга бирикиб келадиган аффикслардан иборат бўлади ҳамда сўзнинг морфологик тузилиши (ўзак ва аффикс) аниқ ажралиб туради. Бунда, ҳар бир аффикс бир маъно, вазифа билан иштирок этади”⁴. Шунингдек, ўзбек тилшунос олимларидан Б.Менглиев ва Ў.Холиёровларнинг қайд этишича: “Морфология – грамматиканинг таркибий қисми. У юнонча “**morphe**” ва “**logos**” сўзидан олинган бўлиб, “**шакл ҳақидаги фан**” маъносини беради. Морфологияда сўз туркуми, унга хос грамматик категория ва грамматик шакл, бу шаклни ҳосил қилиш йўли ва воситаси ўрганилади. Морфологиянинг объекти, асосан, сўзнинг шакл ясалиши масаласидир. Сўзнинг шакл ясовчи қўшимча ва номустақил сўзни олиш шакл ясалиши, ўзгариши дейилади”⁵. Шунга ўхшаш таърифни биз А.Ҳожиёвнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати” номли китобида ҳам учратамиз. Унда қуйидагича тавсиф кетирилган: “Морфология (грек.**morphe** - форма + **logos** таълимот) 1. Сўз ҳақидаги грамматик таълимот. Морфология синтаксис билан бирга грамматикани ташкил этади; 2. Тилнинг морфологик қурилиши: Ўзбек тилининг лексикаси ва морфологияси”⁶. Олимнинг қарашига кўра: “Морфология сўз туркумлари, уларга хос грамматик маъноларни, ҳар бир туркумга хос грамматик категориялар, бу категорияларни юзага келтирувчи грамматик шакл ва грамматик маънолар ва шакл кўринишларини ўрганади”⁷.

Морфология хусусида юқорида келтирилган тилшунос олимларнинг фикр ва қарашлари илмий-назарий жиҳатдан ўзаро фарқланса-да, улар мазмун-моҳиятдан деярли бир нарсани назарда тутишган. Ваҳоланки, тадқиқотга оид манбаларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, морфология дастлабки маълумотларга асосан тилнинг морфологик қурилиши сифатида қабул қилинса, иккиламчи маълумотлар асосида у сўз шакллари ҳақидаги таълимот сифатда қабул қилинади. Бундан ташқари, морфология бирламчи маънода муайян лисоний объект бўлиши сўз таркибидаги ўзгаришни, янги сўзларни вужудга келишини англатса, иккиламчи маънода тилшуносликда ушбу объектни ўрганувчи бўлимини ифодалаб келиши назарда тутилади. Шу маънода таъкидлашимиз мумкинки, морфологик усулда лексик бирликларнинг ҳосил бўлиши нафақат инглиз тилида, балки қорақалпоқ ва ўзбек тилларида ҳам сермахсул усуллардан бири сифатида қаралади. С.Усмоновнинг таъкидлашича: “Морфологик усулда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги 65000 га яқин

³Кузнецов П. С. Морфологическая классификация языков. – М., 1954. – С.112.

⁴Ўша манба. – С. 112.

⁵Менглиев Б., Холиёров Ў. Ўзбек тилидан универсал қўлланам. Тошкент: 2008. Фан. - Б.121.

⁶Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи. 1985. - Б.57.

⁷Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сўз ясалиш тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 168 б.

сўзнинг 75 – 80% сўз ясовчи қўшимчалар орқали ясалганлиги”⁸ - фикримизни исботлайди.

Хулоса қилиб айтганда, тилшунослик терминологиясининг морфологик хусусиятларини ўрганиш, айниқса, уларнинг ясалиш усуллари ва грамматик тузилишини чуқур таҳлил этиш, тилнинг ички механизмларини очиб беришда муҳим аҳамиятга эгадир. Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги терминлар устидан амалга оширилган чоғиштира таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир тилда деривацион моделлар муайян лингвистик ва миллий анъаналарга таянади. Морфологик усул эса барча тилларда сўз яшашнинг асосий ва фаол йўли сифатида намоён бўлиб, лингвистик терминлар системасининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бу каби таҳлиллар тилшуносликдаги типологик фарқларни аниқлаш, терминологик тизимларни такомиллаштириш ҳамда миллий тил ривожига ҳисса қўшиш имконини беради.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М., 1977. – С.90.
2. Сафаров Ш. Тилшунослик терминлари луғати. Тошкент: 2023. - Б.170.
3. Кузнецов П. С. Морфологическая классификация языков. – М., 1954. – С.112.
4. Ўша манба. – С. 112.
5. Менглиев Б., Холиёров Ў. Ўзбек тилидан универсал қўлланам. Тошкент: 2008. Фан. - Б.121.
6. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи. 1985. - Б.57.
7. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сўз ясалиш тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 168 б.
8. Усмонов С. Юристининг нутқ маданияти.- Т.: 2007.- Б.33.

⁸Усмонов С. Юристининг нутқ маданияти.- Т.: 2007.- Б.33.